

**ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ  
ХАБАРНОМАСИ**

**6 (84) 2020**



**ВЕСТНИК АГРАРНОЙ НАУКИ  
УЗБЕКИСТАНА**

**6 (84) 2020**

**BULLETIN OF THE AGRARIAN  
SCIENCE OF UZBEKISTAN**

**БОШ МУХАРРИР:**

*академик*

**Ботир  
СУЛАЙМОНОВ**

**Бош мухаррир  
ўринбосарлари:**  
*профессор*

**Камолиддин  
СУЛТОНОВ**

*профессор*

**Лазизахон  
ГАФУРОВА**

*қ.х.ф. доктори*

**Махсуд АДИЛОВ**

**Ижрочи директор:  
Бахтиёр НУРМАТОВ**

**Мухаррир:  
Денислам  
АЛИМКУЛОВ**

Журнал 2000 йил апрель  
ойида ташкил топган.  
Бир йилда 6 марта чоп  
этилади.

100164, Тошкент,  
Университет кўчаси, 2,  
ТошДАУ  
Тел: (+99871) 260-44-95.  
Факс: 260-38-60.

E-mail:  
[nurmatovbaxtivor868@gmail.com](mailto:nurmatovbaxtivor868@gmail.com)  
*Мақолада келтирилган факт  
ва рақамлар учун муаллифлар  
жаавобгардир.*

**6 (84)  
2020 йил**

## ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ ХАБАРНОМАСИ

### Тахрир хайъати:

*А.А. Абдуллаев – академик,  
И.А. Абдурахманов – профессор,  
А.А. Аманов – профессор,  
Х.Н. Атабаева – профессор,  
Х.Ч.Буриев – профессор,  
И.И.Васенев – профессор (Россия)  
С.С. Гулямов – академик,  
Р.Д. Дусмуратов – профессор,  
В.И. Зувев – профессор,  
А.К. Катимов – профессор,  
Х.Х.Кимсанбаев – профессор,  
Л.С.Кучкарова – профессор,  
М.А.Мазиров – профессор (Россия)  
А.М.Мухаммадиев – профессор,  
Р.С.Назаров – профессор,  
У.Н.Носиров – профессор,  
Т.Э.Остонокулов – профессор,  
Ш.Н.Нурматов – профессор,  
С.Я.Исломов – профессор,  
М.Т.Ташиболтаев – профессор,  
Ш.Ж.Тешаев – профессор,  
Т.Ф.Фармонов – профессор,  
Б.О. Хасанов – профессор,  
Э.А.Холмуродов – профессор,  
Н.С.Хушиматов – профессор,  
У.П. Умурзаков – профессор,  
А.А.Абдувасиков – доцент*

### ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб  
чиқариш ва озиқ-овқат таъминоти маркази.

Тошкент давлат аграр университети.

Анджон қишлоқ хўжалиги ва агротехнология институти.

Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали.

Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиали.

**ВЕСТНИК АГРАРНОЙ НАУКИ  
УЗБЕКИСТАНА**

**BULLETIN OF THE AGRARIAN  
SCIENCE OF UZBEKISTAN**

## М У Н Д А Р И Ж А

### Пахтачилик

Тухлиев М.Р., Намазов Ш.Э., Матякубов С.К. Бухоро-102 гуза нави иштирокида чапиштириб олинган G <sub>4</sub> дурагайларнинг эртапишарлиги.....	6
Дадажонов Ж.Р., Алиқулов Э.О., Эргашев О.Р. Гузанинг янги тизма ва навларида хужалик белгилари кўрсаткичларининг фенотипик намоён бўлиши бўйича таҳлиллар.....	8
Эргашев О.Р. Ўрта толали гуза навида қимматли хужалик белгиларининг шаклланиши ва уларнинг барқарорлашувида яққа танлашнинг аҳамияти.....	9
Закирова Р.П., Асатова С.С., Абдурасулова К.К., Ташпулатова Ф.Ш. Модифицированная питательная среда для выращивания клеточной культуры хлопчатника.....	11
Кучқоров О.Э., Эгамбердиев Р.Р., Шарипов Ш.Т., Баходирова Д.Н. Табиий шўрланган шароитда дурагайларда тола чикимини ўзгарувчанлиги ва ирсийланиши тавсифи.....	14
Усманов С.А. Сунъий иқлим шароитида гуза чигитларининг теримдан сунъий физиологик етилишига ҳарорат ва физик омилларнинг таъсири.....	16

### Агроиктисодиёт

Саидов М.Х., Абдувасиков А.А., Мамадияров Д.У., Саидова Д.Н. Мамлакат иқтисодиётига агрокластерларни жорий этишнинг назарий-услубий асослари.....	20
Муратова М., Халмухамедова З. Инновацион ривожланиш асосида кишлоқ хужалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш.....	26
Саидов М.Х., Джумонов Д.С., Янгибоев Х.Б. Эконометрический анализ влияние миграции на экономику страны.....	29

### Ўсимликшунослик

Телляев Р.Ш., Бобатова У.Д. Тошкент вилояти шароитида тритикале янги навларининг ўсиши, ривожланиш даврларига экиш муддатларининг таъсири.....	37
Худайқулов Ж.Б., Умарова З.Т. Жаҳон генфондидан танлаб олинган ерғоқнинг юқори ҳосили нав ва намуналарининг муҳим хужалик белгилари.....	41
Маткаримов Ф.И., Бабоев С.К., Бузруков С.С. Нўхат ( <i>Cicer arietinum L.</i> ) ўсимлигида хлорофилл микдори ўзгаришига микробиологик препаратларнинг таъсири.....	45
Қурбонов А.А., Хайруллаев С.Ш. Кўк нўхат навларининг поя балоидлигига экиш муддатлари ва меъёрларини таъсири.....	48
Бобатова У.Д., Телляев Р.Ш. Экиш меъёрларини тритикале навларининг биометрик кўрсаткичларига таъсири	52
Қурбонов А.А., Хайруллаев С.Ш. Экиш муддатлари ва меъёрларини ясимқ навларининг шохланишига таъсири.....	56
Улуғбоев А.Ё., Усманова З., Тогаева С. Минерал озиклантиришни стивиянинг ( <i>stevia rebaudiana bertonii</i> ) кимёвий таркибига таъсири.....	58
Мамарузиёв А.А., Ахмеджанов А.Н., Каримов Э.Ё., Абдумавланов О.А. Гузанинг Зафар инновацион ишланмаси ва “Global textile solutions” МЧЖ пахта-туқимачилик кластери.....	61
Юлчиева М., Махмудова М. <i>Datura Stramonium L.</i> ўсимлигини ўстириш технологияси.....	64

### Ўрмончилик

Рўзиқулов Д.Н., Тўфлиева С.К. Доривор ўсимликларни зарарқунандалардан ҳимоя қилишда дронлардан фойдаланиш.....	67
Қайимов А.Қ., Балтаниязов Ж.С. Нукус шаҳрини кўкаламзорлаштиришда фойдаланилаётган дарахт ва буталарнинг ўсиш ритми.....	69
Бердиев Э.Т. Саидов А.М. Пекан ёнғоғини ( <i>carya illinoensis</i> ) биоэкологик хусусиятлари ва кўпайтириш.....	71
Турдиев С.А., Бабаджанова Л.С., Ҳайтов Ф.Д. Архитектуравий ландшафтли боғлар.....	75
Тўлаев Д.Б. ёнғоқзор ўрмонларни ҳолати ва табиий кўпайишнинг биологик хусусиятлари.....	78

### Зоотехния ва ветеринария

Вахидова Д.С., Файзилдинов А.А. Кросс-308 бройлер жужуларни озикаларнинг ўзлаштиришга бентонитни таъсири.....	82
Раҳманова Х.Э., Каримов О.Т. Махсус қуртхоналарда ўзгарувчан ҳароратини тут ипак қуртини маҳсулдорлик кўрсаткичларига таъсири.....	85

Курбонов И. Хоразм вилояти шароитида халқаланган қаламчалардан озукабоп бута тутзорлар барпо этишда шакл бериш тартиби ва муддатларини самарадолиги.....	88
--	----

### Селекция, генетика ва уруғчилик

Рашидова Д.К., Якубов М.М. Кузги бугдой уруғликларини етиштириш тахлили.....	91
Жураев С.Т., Эгамбердиева С.А. Ўзбекистоннинг турли тупроқ-иклим шароитида ғўза дурагайлариининг вегетация даври давомийлиги.....	94
Мадартов Б.К., Рустамов Н. С., Рахмонкулов М.-А., Холмуродова Г. Р. Ғўзанинг F <sub>2</sub> усимликларида маҳсулдорликнинг бошқа ҳосилдорлик элементлари билан ўзаро боғлиқлиги.....	97

### Тупроқшунослик ва агрокимё

Сафарова Н. Р., Ниязалиев Б. И., Тиллабеков Б.А., Сафаров Б.Қ. Маҳаллий хом ашёдан тайёрланган таркибида микроэлементи бўлган гранулали ва суюқ азот ўғити қўлланилганда ғўза ҳосил элементлари тўпланишига таъсири.....	100
Мусурмонова М.П., Кучкарова Н.П., Сафарова Н. Р., Сафаров Б.Қ. Тошкент вилояти қир-адирларида тарқалган типик буз тупроқларни сифат баҳоси (Чиноз тумани мисолида).....	103
Қодирова Д.А., Шадиёва Н.И., Юлдашева М. Тоғ ва тоғ олди тупроқлари ферментатив фаоллигини гумус моддалари шаклланишидаги аҳамияти.....	105
Шадиёва Н.И., Юлдашева М.Д. Сангзор ҳавзасида тарқалган эрозияланган тупроқларининг айрим кимёвий хоссалари.....	109

### Мевачилик ва сабзавотчилик

Адилов Х.А., Енилеев Н.Ш., Мансуров А.А. Қовун дарахтининг уруғлари унвчанлигини оширишда мақбул шароитларнинг таъсири.....	112
Аллайаров А.Н., Райимбаева Н.Т., Ахмеджанова К.А. Хужайра муҳандислиги усуллари ёрдамида абиотик ва биотик стресс омилларга чидамли регенерант ўсимликлар олиш.....	114
Иброҳимов Б.А. Тошкент вилояти шароитида бамия ( <i>Hibiscus esculentus</i> L.) ни турли экиш муддатларида экилганда, ҳосилдорлиги ва мева таркибидаги биокимёвий моддаларнинг ўзгариши.....	118
Хушвақтов Н.Ж., Низомов Р.А. Иситилмайдиган иссиқхона шароитида экилган аччиқ қалампирнинг турли экиш схемаларини ўсимлик меваларининг биокимёвий таркибига таъсири.....	122
Фарходов А.А., Файзиёв Ж.Н., Мирзаев А.М. Узум ҳосилдорлиги ва сифатини тоқ тупи юкламасига боғлиқлиги.....	125
Сувонова М.М., Шокиров А.Ж. Такрорий экинда оқбош қарам етиштириш учун қулай экиш схемалари.....	128

### Қишлоқ хўжалигида механизациялаш ва электрификациялаш

Жуматов Я.К., Абдурахмонов Ш.Х., Алижанов Д.А. Чорвадорлар учун винтсимон озук майдалаш қурилмасини иқтисодий баҳолаш.....	131
Temirkulova N.M. O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligi sharoitida tomchilatib sug'orishning afzalligi.....	135
Худаяров Б., Кузиев У., Худойкулов Р. Боглар учун гўнг шарбатини тайёрлаш қурилмалари.....	138

### Ўсимликларни химоя қилиш

Сулаймонов Б.А., Жумаев Р.А. Паразит-энтомофагларни (hymenoptera) in vitro усулида оммавий кўпайтириш ва сақлаш технологияси.....	142
Махмудова Ш.А. Такрорий муддатда экиладиган мопда зараркундаларнинг тур таркиби ва учраш даражаси.....	150
Кожевникова А.Г. Yo'l-yo'l sikada, donli ekinlarning zararlanandasi va unga qarshi kurash choralari.....	152
Аблазова М.М., Зупарова Д.М. Иссиқхоналардаги сурувчи ҳашаротлардан ажратилган замбуруглар ва уларнинг айрим биологик хусусиятлари.....	154
Турдиева Д.Т., Хайиталиева Г.А. Бугдойда <i>fusarium</i> туркуми турларини аниқлаш.....	157
Супиев Р., Автономов В.А., Курбонов А.Ё., Каюмов У.К., Джумаев С. Ўрта толали ғўзанинг турли авлодларининг коллекцион намуналари ва ДАК- популяцияларида “биринчи ҳосил шохининг жойланиш баланглиги” белгисини шакллантириш.....	161
Сулаймонов Б.А., Кимсанбаев Х.Х., Ортиқов У.Д., Яҳёев Ж.Н. Мевали богларда <i>Diaspididae</i> тур таркиби ва уларнинг биоэкологияси.....	164
Болтаев М.А., Мисиров Ш.Х., Пардаев Ж.Ж. Брокколи: аҳамияти, тайёрланиши ва сақланиши.....	171
Равшанов А.Э., Каюмов У.К., Курбонов А.Ё., Автономов В.А., Ходжанов Ш. Диаллел чапиштириш тизимида яратилган навлараро F <sub>1</sub> дурагайлари толанинг чиқиши белгисининг ирсийланиши.....	175
Носирова З.Ф. Тут парвонасига қарши феромон туткичларни қўллашнинг самарадорлиги.....	178

### Дехқончилик ва мелиорация

Дусбаев И.Р., Насиров Б.С., Чаршанбиев У.Ю. Ингичка толали ғўза етиштиришда бир йиллик бегона ўтларга қарши агротехник ва кимёвий курашнинг самараси.....	181
Абдурахимов Ш., Мирзакаримов Д. Ўтлоқи соз тупроқлар шароитида кузги бугдойни маҳсилдорлик кўрсаткичлари.....	185

Алтмишев А.Ш., Тухтамишев С. Қишлоқ хўжалиги экинларини минераллашган сувлар билан суғориш буйича талаблар ва тавсиялар.....	187
--	-----

### **Муаммолар. Муҳокамалар. Фактлар**

S.Xolmirzayeva. O'zbek tili fanini o'qitishda idrok xaritasini qo'llash.....	191
Umarbekova G.A. Rus tili tarixini o'rganishda axborot – kommunikatsia texnologiyalari.....	193
Abdurayimov T.D., Mamarizayev Sh. Z. Ўзбекистонда Экотуризмни ривожлантиришнинг янги босқичи.....	195

### **Қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялар**

Халмурадов Т.Н. Агросаноат комплексда телемеханика тизимлари ва дронлардан фойдаланишнинг аҳамияти.....	198
---	-----

### **Қисқа ахборотлар**

Соатов Б.Б. Карп ( <i>Cyprinus carpio limtaeus, 1758</i> ) балиғининг <i>Rhaphidascaris acus bloch, 1779</i> нематодаси билан зарарланиши.....	202
--	-----

## АГРОИҚТИСОДИЁТ

УЎК: 334.784: 631.145

**САИДОВ МУҲАММАДАЛИ ҲАКИМОВИЧ, АБДУВАСИКОВ АБДУАЗИЗ АБДУЛАЗИЗОВИЧ,  
МАМАДИЯРОВ ДИЛШОД УРАЛОВИЧ, САИДОВА ДИЛДОРА НУРМАТОВНА**

### **МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИГА АГРОКЛАСТЕРЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

Ушбу мақолада кластерларни ташкил этишнинг назарий масалалари, уларнинг вазифалари ва имкониятлари, кластерларнинг минтакавий рақобатбардошликка таъсири, агрокластерларни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича хорижий тажриба ўрганилган. Ўзбекистонда агрокластерларни ривожлантириш йўналишлари кўрсатилган.

**Таянч сўзлар:** *кластер, кластер тузилмаси, кластер тизими, кластер самараси, кластер ташкилотлари, рақобатбардошлик, агрокластерлар, интеграция, кластер усули.*

#### **КИРИШ**

Республикамизнинг худудларида қайта ишлаш қувватларидан самарали фойдаланиш орқали маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, уларни экспортга йўналтириш ҳисобига мамлакатга валюта тушумини ошириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш муҳим ҳисобланади. Бунда мамлакатимиз кишлоқ хўжалиги соҳасида бутун дунё тажрибасида ўзини оқлаган “маҳсулот етиштириш – харид килиш – сақлаш ва қайта ишлаш – экспорт” занжирини ташкил этадиган тизим — кластер тизимига ўтиш, улар фаолиятини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиб, агрокластерларни ташкил этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимиз кишлоқ хўжалиги тармогидаги барча йўналишлар фаолиятини уйғунлаштириш, яъни бир максалда йўналтиришда муаммоларни ҳал қилиш, аввало маҳсулот етиштирувчи, ва қайта ишловчи корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатлар тизимини агробизнесни ташкил этишнинг янги замонавий усуллари, яъни қайта ишлаш саноати корхоналари билан бирга кластерли ёндашув асосида ривожлантириш зарурати юзага келди. Чунки агросаноат интеграциясининг кластер усулидаги кўриниши кишлоқ хўжалиги тармоқлари ўртасидаги ўзаро ташкилий ва иқтисодий алоқаларни бирмунча соддалашуви ва ўзаро манфаатдорлик асосида ташкил этишни таъминлайди, яъни ташқи ва ички алоқаларнинг боғлиқлиги кучаяди.

Кейинги йилларда аграр соҳа имкониятларидан самарали фойдаланмаслик натижасида етиштирилаётган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари талаб даражасида эмаслиги, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланувчи

бозор субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий-иқтисодий муносабатлардаги муаммо ва камчиликлар улар фаолияти самарадорлиги ва рақобатбардошлик даражасига салбий таъсир ўтказганлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномасида ҳам таъкидланди: “тармоқдаги ҳозирги ўсиш суръатлари бизни мутлақо қониктирмайди. Иқтисодиётимиз ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган кишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш зарур. Бу борада бозор механизмларини кенг жорий қилиб, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини оширмас эканмиз, биз кутган сезиларли ўзгариш бўлмайди” [1].

#### **ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ**

1990 йилда америкалик бизнес иқтисодчиси М.Портернинг томонидан саноат ва компанияларга нисбатан “кластер” тушунчаси киритилди [21]. М.Портер кластер муаммоларини ўзининг миллий ва минтакавий рақобатбардошлик ва унинг афзалликлари назарияси доирасида ўрганган. Ундан анча олдин 1890-1950 йилларда ишлаб чиқаришнинг концентрацияси ва оқилона тақсимланиш жараёнлари А.Маршалл, А.Лёш, В.Исард каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилган [9]. Таниқли иқтисодчиларнинг минтақаларни ривожлантириш масалалари ва кластер стратегияларини ўрганиш бўйича қилган ишлари ушбу тадқиқотнинг назарий ва услубий асосини ташкил этди. Кластер концепциясининг назарий асоси XIX асрнинг бошларида Фон Тюнен [33] ва унинг издоши А. Вебер агломерация иқтисодиётига бағишланган [35]. Кластер ёндашуви А. Маршалл ва Ж. Шумпетер ва бошқалар томонидан чуқур ўрганилган [30].

"Кластер" тушунчасидан объектни тахлил қилишда ҳам, ўрганишда ҳам фойдаланиш мумкин. Кластерлар ҳудудий ривожланиш стратегияси доирасида самарадорликни, инновацияни, рақобатбардошликни, рентабелликни ва самарадорликни оширади. Ушбу муаммони тадқиқ қилиш давлатнинг иқтисодий сиёсатини назорат қилишда, қишлоқ хўжалигининг институционал асосларини такомиллаштиришда, интеграциянинг янада самарали шакллари ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

#### НАТИЖАЛАР

Кейинги йилларда аграр соҳа имкониятларидан самарали фойдаланмаслик натижасида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари талаб даражасида эмаслиги, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланувчи бозор субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий-иқтисодий муносабатлардаги муаммо ва камчиликлар улар фаолияти самарадорлиги ва рақобатбардошлик даражасига салбий таъсир ўтказганлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномасида ҳам таъкидланди: "тармоқдаги ҳозирги ўсиш суръатлари бизни мутлақо қониқтирмайди. Иқтисодиётимиз ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш зарур. Бу борада бозор механизмларини кенг жорий қилиб, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини оширмас эканмиз, биз кутган сезиларли ўзгариш бўлмайди" [1].

Назарий ва амалий нуқтаи назардан бозор иқтисодиёти шароитида тармоқ ва корхоналар миқёсида иқтисодий самарадорликни оширишнинг асосий йўналишларидан бири ҳудудий ривожланиш тамойилларига амал қилиш ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида бундай ёндашув кўплаб аграр иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари билан асосланган. Лекин амалга оширилган тадқиқотлар асосан режали иқтисодиёт даврида амалга оширилганлиги туфайли бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт доим ҳаракатда бўлишлиги қонунияти республикамиз қишлоқ хўжалиги тармоғи корхоналари иқтисодиётини ривожлантириш йўналишида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг тадрижий ривожланиши жараёнларида ҳам кузатилмоқда. Яъни қишлоқ хўжалигини кластерли ёндашув асосида ривожлантириш борасида ҳам илк илмий тадқиқот ишлари амалга оширилиб олимларимиз томонидан дастлабки таклиф ва тавсиялар берилаяпти.

Жаҳон иқтисодиётида интеграция жараёнларини глобаллашуви ва чуқурлашуви агробизнесни ички қучли ва заиф томонларини ҳам, унинг бозордаги ташқи имкониятлари ва хавф-хатарларини ҳам хартомонлама чуқур ўрганишни такозо этмоқда. Айнан ана шу имкониятлардан бири агросаноат гуруҳини кластер модели бўйича ташкил этишдир.

Кластер модели (ингл. *kluster* – "бирга ўсиш")

жаҳон амалиётида иқтисодий гуруҳни, минтақани, бутун мамлакатни рақобатбардошлигини кўтариш инструменти сифатида кенг қўлланилади [20]. Кластер моделини асосий белгилари: гуруҳни ташқи бозордаги улушини ошириш имкониятига эгаллиги; жойлашган ҳудудда қулай шароитлар (хомашё, малакали персонал, инфраструктура, ўқув марказлар, илмий муассасалар ва б.)ни мавжудлиги; гуруҳни давлат томонидан қучли қўллаш эвазига қатнашувчиларнинг гуруҳда самарали иштирок этиш имкониятларини кенглиги.

Қайта ишлаш саноатида кластерларни ташкил этиш тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва уларни рақобатбардошлигини оширишда бир қатор рақобат устунликларини яратади: биринчидан уларнинг кластерга кирган фирма ва тармоқ корхоналарига меҳнат унумдорлигининг ошишига, иккинчидан инновацион ривожланиш имкониятларини оширади, учинчидан тадбиркорликни янги турлари ва кластер фаолиятини кенгайтиради.

Кластер самараси деганда кластерларда қатнашувчи корхоналарнинг ва умуман кластернинг турли натижавий кўрсаткичларига таъсири тушунилади. Ўз ишларида М.А. Николаев ва М.Ю. Махотаев (2005) агломерация самараси, ўқитиш самараси ва кооператив рақобатнинг самараси каби кластер таъсирининг турларини ажратиб кўрсатади, бу албатта минтақа иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш ва кластерлар самарадорлигини ошириш учун шароит яратади [18]. Ушбу рақобатбардош устунликларни амалга ошириш даражасини баҳолаш кластерни баҳолаш методологияси доирасида амалга оширилади, унда самарадорликни баҳолаш тамойиллари, усуллари, кўрсаткичлари ва мезонлари, шунингдек баҳолаш жараёнининг тизимли ва мантқиқий кетма-кетлиги мавжуд.

Кластернинг асосий хусусиятлари тўртта қоидага жамланган:

- 1) битта ёки унга алоқадор тармоқлар корхоналарининг битта жуғрофий нуктада концентрацияси;
- 2) ўз маҳсулотларининг рақобатбардошлиги;
- 3) миқозларни жалб қилиш ва сақлаб қолиш учун рақобат;
- 4) ривожланишнинг юқори даражаси билан ҳамкорлик (Тсихан, 2003) [33].

Қишлоқ хўжалигига мос бўлган ҳудудий ихтисослашув бўйича агрокластерларни шакллантиришда қуйидаги мезонлардан фойдаланиш таклиф этилади.

- 1) минтақадаги агробизнеснинг инвестицион жозибадорлиги;
- 2) ўсимликчилик маҳсулотлари ҳосилдорлиги, чорвачилик ва паррандалар маҳсулдорлиги ва барқарорлиги даражаси;
- 3) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турлари бўйича ишлаб чиқариш рентабеллигининг барқарорлик даражаси;
- 4) асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш барқарорлиги даражаси. (Варганова М.Л., 2017) [35].



1-расм. Кластерларнинг иқтисодийнинг рақобатбардошлигига таъсир йўналишлари

Куйилган мақсадга эришиш учун кластер таркибига маълум бир кўрсаткичга эга бўлган компания, фирма, корхона ва инфратузилма субъектларини жалб этиш талаб этилади. Кластер таркибига кирган бозор субъектларининг махсулот етиштирувчи, ва қайта ишловчи корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларининг бир мақсадга йўналтирилган ҳолда муаммоларни ҳал қилиши кластер фаолиятининг юқори самарадорлигини таъминлаш учун асос бўлади, акс ҳолда кластерни ташкил этишдан қўзланган мақсадга эришиш имкониятлари чекланади.

Хорижий иқтисодчи олимлар ҳулосаларига кўра иқтисодийнинг глобаллашуви ва рақобат курашининг кескинлашуви тезлашган ҳозирги шароитда иқтисодийни кластер ёндашуви асосида ташкил этаётган минтака ва ҳудудлар иқтисодий ривожланишда олдинги ўринларга чиқиб олмоқдалар [19, 20, 27, 37]. Бундай ҳудуд ва истикболлар ўзлари жойлашган давлат ва миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлик даражасини белгилаб бермоқда. Иқтисодий ривожланишнинг кластер усулидан фойдаланмаётган, яъни анъанавий ёндашувни қўллаётган ҳудудлар эса сезиларли натижаларга эриша олмапти ва иккинчи даражали ҳудудларга айланмоқдалар.

Агрокластерларнинг ташкил этилиши ва улар

фаолиятининг ривожланиши куйидаги устунликларга олиб келади:

-агрокластерлар тайёр махсулот экспорти орқали ташки савдога чиқиш имконини яратиб берибгина қолмай, балки замонавий агротехнологияларни қўллаб импорт ўрнини босувчи юқори сифатли ва энг юқсак товар хусусиятларига эга бўлган махсулотни ички бозор учун ҳам етиштиришга ҳар томонлама қўмақ беради;

-агрокластер корхона ва бошқа гуруҳ қатнашувчиси бўлмиш қўпгина фирмалар учун нисбатан арзон ва ишончли хом ашё базаси яратилади. Агрокластер барча гуруҳда қатнашувчи хомашё, махсулот етказиб берувчилар билан биргаликда яхлит агрологистик тизимда бир хил технологик режим (меъерий сертификат ва стандарт талаблар, вақт графиклари ва ш.к. ишлаб чиқариш интизоми қоидалари) бўйича керакли махсулотни керакли сифат ва стандартлар билан тайёрлаб, ташки ва ички бозорларга етказиб бериш имкониятига эга бўлади;

- аҳоли бандлигини таъминловчи агросаноат бирлашмалари, ахборот-коммуникация тизими, замонавий омборхона ва транспорт терминалларини ва бошқа инфраструктура объектларини шакллантириш, логистик марказларни ташкил этиш билан бирга ташки бозорларга чиқиш бўйича кенг қўламда маълумот

базасини яратади ва энг самарали маркетинг каналини танлашга имкон беради;

- инвестицион оқимларни тартибга солиш ва улардан кластерни барча логистик бўғинларини (жумладан инфраструктура объектларини) устувор ривожлантириш асосида табиий (ер, сув, газ ва б.) ресурслардан ва янги яратилган технологик ва инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланишни баҳолаш имконияти яратилади;

- минтака иктисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган корхоналар гуруҳига манзилли имтиёзлар бериш имконияти яратилади;

- хусусий секторни давлат билан самарали шериклигини кучайтириш асосида ҳудудларда кичик ва ўрта бизнес тадбиркорлик фаоллигини анча кўтариш мумкин бўлади;

- солиққа тортиш манбаларини кўпайтириш орқали солиқ салоҳиятини оширишга асос бўлади;

- агрокластерни барча корхоналарига инновация янгиликларини тез тарқатиш имконияти ҳудудларни инновацион салоҳиятини ривожлантириш учун ҳам аҳамиятлидир. Кластер тараққиёт модели давлатни, ҳудудни ва хусусан гуруҳни ҳам рақобатбардошлик индексларини кўтаришга имкон беради. Натижада, ҳудудга хорижий инвестицияларни жалб қилиш имконияти ошади;

- агрокластерлар кишлокни индустриал тараққиёт шаклида ривожланиш кифоасига ўтишига ишончли омил яратади.

Агросоноат кластерларини ривожлантиришнинг хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

### Агросоноат кластерларини ривожлантиришнинг хорижий давлатлар тажрибаси

Мамлакатлар	Ўзига хос жиҳатлари
АҚШ	АҚШни барча штатларида илгор технологияларга эга агросоноат кластерлари кенг тарқалган. Ўйрик агрокластерлар Вашингтон, Оклахома, Луизиана штатларида, вино ишлаб чиқариш Калифорния штатида жойлашган. Юқори самарада фаолият кўрсатаётган клас-терларни Силикон водийсидаги “Ахборот технологиялар”, Голливуддаги “Кинофикация” кластерлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Европада (Германия, Франция, Италия, Болгария, Греция, Голландия, Англия, Швейцария, Дания ва бошқа давлатларда) юқори технологияли агрокластерлар кенг ривож топган. АҚШда 380 та кластер мавжуд бўлиб, ЯИМда кластерларнинг улуши 61,4%ни ташкил этади.
Франция	Францияда аграр корхоналар, таълим ва илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш асосида европа ва жаҳон технология ва новация бозорларига чиқиб мақсадида 1986 йили Монпелье шаҳрида “Агрополис” уюшмасини тузишди.
Англия	Англияда 2001 йилдан бошлаб инновацион агросоноат кластери – Стокбридж технологик марказ ёпиқ грунтда деҳқончилик, боғдорчилик ва сабзавотчилик соҳаларида тадқиқотлар ва таълим программаларини ўтказишмоқда. Ушбу марказ 70 гектар суғориладиган ерга, 40та компьютер орқали бошқариладиган 12 дан 1000 кв.метргача ҳудудга тенг майдончаларда жойлашган замонавий иссиқхоналар ҳамда юқори технологиялар билан жиҳозланган лабораторияларга эга.
Австрия	Австрияда ҳам кластерларни ихтисослаштиришга, агросоноат ва илмий-тадқиқот корхоналарининг ўзаро алоқаларини рағбатлантиришга, инновация программаларини бошқариш тартибидagi тўсиқларни камайитириш ҳамда рақобатбардош марказларни шакллантиришга кўпроқ аҳамият беришади.
Дания	Дания кишлок ҳўжалигида чорвачилик деҳқончиликка қараганда устувор аҳамиятга эга, деҳқончилик маҳсулоти кўпроқ озукага ишлатилади, чорвачиликда сут йўналишининг роли гўшт соҳасига қараганда юқорироқ ҳисобланади, шунинг учун ҳам сут маҳсулоти кластерлари (масалан таниқди «Молочная вертикаль» кластери) кенг тарқалган.
Россия	Россияда ҳам иктисодиётни барча соҳаларида, ш.ж. агросоноат комплексиди, кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича 200 дан кўп лойиҳалар амалга оширилмоқда. Иктисодий тараққиёт вазирлиги 2008 йилда қабул қилган «Ҳудудий-саноат кластерларини ривожлантириш Концепцияси» уч блокдан иборат: кластерларни институционал тараққиётга ёрдам бериш; кластерда қатнашувчиларни рақобатбардошлигини кўтариш; кластерларни тараққиёт этиши учун қулай шароитларни яратиш. Ҳозирги кунда Томск областининг “Биокомплекс” кластерида (бутдойни янги ҳосилдор ва замбурот касалликларига чидамли юмшоқ ва остист навлари яратилди, кейинчалик донни чуқур қайта ишлаш, биотехнология, нефткимё ишлаб чиқариш тармоқларини ичига олган “АгроПАРК”ни тузиш мўлжалланган), Тула областидаги “Балтика” кластери (илмий-тадқиқот станциясининг 672 тажриба-экспериментал майдончаларида сулини пиво пиширишга ярайдиган (Россия ютуқлари реестрига киритилган) 17 навини етиштиришга эришилди, Кемерово областида “КалинаМалина” агросоноат бренди (7та фирма-магазинлар ва 40та фермерлар билан бирга), Вологда областида “Биотехнология” кластери (ОАО “ФосАГРО” билан бирга) ва б. регионларда шу каби замонавий агрокластерларни барпо этиш жараёни анча жадаллашди.

Хорижий иктисодчи олимларнинг фикрларига қўра ўзаро муносабатлардаги устуворлик ва тенглик тамойилларини таъминлаш зарурати ресурсларнинг чекланганлиги, глобаллашув жараёнлари, ички ва ташқи бозорлардаги конъюктура ҳолати жаҳон ва миллий иктисодиёт ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқдир. Ўз навбатида бундай ҳолатлар ички ва ташқи бозорлардаги ўзгаришларга тезкор равишда мослашишни талаб этади. Давлат ва хусусий шерикчилик эса бундай ўзгаришларга мослашиш имкониятларини кенгайтиради. Чунки давлат ва

тадбиркорлик субъектлари иктисодий ва жамият ҳаётидаги жорий ҳолатларни бир-бири билан боғланган ҳолда ечиши мумкинлигини ҳис қилган ҳолда ўзаро шерикчилик муносабатларини ўрнатадилар. Айтиш мумкинки юқоридаги ҳолатлар давлатнинг ҳўжалик субъектлари фаолиятига фаол аралашувини янада кенгрок бўлишини талаб этади ва бу аралашув устувор ва ўзаро тенглик асосида амал қилади.

Хорижий тажрибалардан келиб чиккан ҳолда кластер тизимидаги тадбиркорлик тузилмалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги шерикчилик

муносабатларини иктисодий ўсиш тенденцияларидан уни тўлақонли ҳамда кўп томонламалигидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Умуман давлат-хусусий шерикчилиги тизими давлатнинг иктисодий жараёнлардаги иштирокини таъминлаш баробарида иктисодиёт тармоқларида давлат сиёсатининг устунлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг аграр секторида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмини ошириш, фойдаланишдан чиққан ва лалми ерларни ўзлаштириш, пахта, бошоқли дон экинларидан қисқартирилаётган майдонларга экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтириш, шунингдек, бог, тоқзор ва иссиқхоналар имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида турли ихтисослашувдаги кластерлар, қишлоқ хўжалиги бирлашмаларини (кооперация) ташкил этиш ва уларни устувор ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, 2019 йилда 77 та пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти йўлга қўйилди (2018 йилда: 16 та) ва улар билан 16,0 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ўртасида тузилган контрактация шартномаси асосида 552,5 минг гектар ҳамда ўзларига ажратилган 125 минг гектар ва жами 677,5 минг гектар майдонда 2,4 млн тонна (100,0%) пахта хом ашёси ишлаб чиқарилди [38].

Пахтачилик соҳасида муваффақиятли синовдан ўтаётган кластер усули қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам кенг жорий қилинмоқда.

2019 йилда мева-сабзавотчилик кластерлари сони 66 тага етказилди ва уларга жами 18,9 минг гектар ер майдони ажратиб берилди.

Сифатли ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, уларни қайта ишлаб, ривожланган давлатлар бозорларига йўналтириш мақсадида улар экспорт географиясини кенгайтиришга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунда 258 минг тонна қувватидаги 133 та лойиҳа бўйича 597 та қайта ишлаш корхоналари томонидан жами 2 млн 107,6 минг тонна маҳсулот қайта ишланди.

2019 йилда жами 1,4 млн тонна (2018 йилга нисбатан 113% кўп) 1 млрд 250,4 млн доллар (140%) қийматидаги маҳсулот (жумладан, сабзавот: 589,4 минг тонна, 134% (қиймати 266,6 млн доллар); мева: 296,1 минг тонна, 119% (308,0 млн доллар); полиз маҳсулотлари: 38,7 минг тонна, 116% (15,5 млн доллар); узум: 187,8 минг тонна, 91% (221,1 млн доллар); дуккакли ва мойли экинлар: 170,8 минг тонна, 84% (186,8 млн доллар); қуритилган мева ва сабзавотлар: 121,3 минг тонна, 104% (205,9 млн доллар) ва кўчатлар: 3,1 минг тонна (46,6 млн доллар) Словакия, Бразилия, Жазоир, Исроил, Венгрия, Гонконг, Қувайт, Греция, Монголия, Мароқаш, Австралия, Босния ва Герцеговина, Франция, Канада, Қатар каби ўнлаб давлатлар бозорларига экспортга чиқарилди.

Бу масалада халқаро тажриба пухта ўрганилгани ҳолда уларни қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш, бирлашма аъзоларида кооперация муносабатлари бўйича билим ва кўникмаларини ошириш ва олинган кредит маблағларидан самарали фойдаланиш имкониятларини яхшилашга жиддий эътибор

қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномасида 2020 йилда аграр тармоқни ривожлантириш мақсадида “фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш билан бирга, пахта ва галла етиштиришни кластер шаклига босқичма-босқич ўтказиш бўйича изланишларимизни давом эттирамиз, деб таъкидланди. Мева-сабзавот, шолчилик, чорвачилик ва ипакчилик каби бошқа тармоқларда ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган кластерларни ташкил этиш ишларини давом эттирамиз. Бу йил 2 миллиард долларлик, кейинги 5-7 йилда эса бундан 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш чораларини кўриш зарур. Парламентимиз, ушбу ислохотларимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган “Кооперация ва кластерлар тўғрисида”ги янги қонунни тезроқ қабул қилса, ушбу катта режа ва ниятларимизга мос иш бўлур эди. Бу йил мева-сабзавотчилик, узумчилик, уругчилик, чорвачилик, агрологистикани ривожлантириш, сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, илмий-тадқиқот ишлари, соҳа учун малакали кадрларни тайёрлашга 3 триллион сўм маблағ йўналтирамиз. Чорвачилик, қорақўлчилик, балиқчилик, паррандачилик каби соҳаларда наслчиликка алоҳида эътибор қаратилиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари татбиқ этилади” [1].

#### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Агротармоқларнинг самарали фаолият юритишига қўмаклашишни асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- корхоналарни инновацион фаолиятини кластер модели бўйича шакллантириш ва янги шароитга мослаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида гуруҳ қатнашувчиларини ўзаро муносабатларини ички ва ташқи меъёрий ва ҳуқуқий тартиботини такомиллаштирган ҳолда кластер доирасида замонавий корпоратив бошқаруви механизмларига таяниб, қатнашувчиларнинг манфаатларини тўлалигича инобатга олиб ишлаб чиқиш талаб этилади;

- маҳаллий ҳокимият органларини кластерда қатнашувчи корхоналарни инновацион фаолиятига керакли даражада фойдали таъсирини ўтказиш механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни ана шу ҳудуд шароитида амалга ошириш йўллари белгилаш даркор;

- Агротармоқларда қатнашувчилар фаолиятини керакли ахборотлар билан таъминлаш учун энг аввало айнан шу гуруҳ доирасида кластер билан қатнашувчи-фирмани ўзаро фойдали иш муносабатларини ўрнатиш учун самарали корпоратив бошқаруви тааллуқли рақамли ва идентификациялашган ягона маълумот базани шакллантириш лозим;

- Сифатни умумий бошқариш концепцияси Total Quality Management (TQM ИСО-9000/2010) талаблари ва замонавий интеграцион логистик тизим қондаларига амал қилган ҳолда ҳар бир кластерни логистик стратегиясини ишлаб чиқиш учун унинг захиралари ва инфраструктурасини ҳозирги ҳолатини ишончли таҳлил қилиш, яқин ва узоқ келажакга прогнозлаш

инструментларини яратиш талаб қилинади:  
- агрокластерлар самарали фаолият юритиши учун мутахассис ходимларни узлуксиз тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш буйича чоратadbирларни амалга ошириш лозим;

-республикамизда кўплаб кластерлар ташкил этилиб фаолият юрита бошлаганларига кўп вақт бўлмади. Шу жihatдан улар фаолияти натижалари хали тўлиқ шаклангани йўқ, колаверса кластерлар фаолияти самарадорлигини бахолаш кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз

ТошДАУ

#### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномаси. Т.: 2020.
2. Abidin, Z. Z., Kamal, N. M., & Jusoff, K. (2014). Board structure and corporate performance in Malaysia. *International Journal of Economics and Finance*, 1(1), 150.
3. Афонина А. Г. Кластерные инициативы и проек-ты / А. Г. Афонина // Вестник Алтайской академии экономики и права. – 2012. – № 4. – С. 35–39
4. Afanasyev, M., & Myasnikova, L. (2005). World competition and economy clustering. *Economy questions*, 4, 75–86.
5. Baptista, R. (1998) Clusters, Innovation and Growth. in Swann, P., Prevezer, M. and Stout, D. (Eds) *The Dynamics of Industrial Clustering: International Comparisons in Computing and Biotechnology*. Oxford University Press, Oxford.
6. Bergman, E. and Feser, E. (1999) *Industrial and Regional Clusters: Concepts and Comparative Applications*. Regional Research Institute, West Virginia University.
7. Dahmen, E. (1950). *Entrepreneurial Activity and the Development of Swedish Industry, 1919-1939*. Stockholm.
8. Feldman, V. P., & Audretsch, D. B. (1999).
9. Isard W. (1975) *Introduction to Regional Science*.
10. Isard W. (1960) *Methods of Regional Analysis: an Introduction to Regional Science*. Изард У. Методы регионального анализа : введение в науку о регионах =: 1960 / Пер. с англ. В. М. Гохмана, Ю. Г. Липеца. С. Н. Тарера. — М. : Прогресс, 1966. — 660 с.
11. Карта кластеров России. – Режим доступа: <http://clusters.monocore.ru/list>
12. Kovalyova, T. Y. (2011). Algorithm of identification and estimation of clusters in the region economy. *Vestnik Permskogo Universiteta*, 4(11), 31.
13. Лизунов В. В. Кластеры и кластерные стратегии : монография / В. В. Лизунов, С. Е. Метелев, А. А. Соловьев. – Омск : Издатель ИП Скорнякова, 2012. – 280 с.
14. Lin, C., Ma, Y., Malatesta, P., & Xuan, Y. (2013). Corporate ownership structure and the choice between bank debt and public debt. *Journal of Financial Economics*, 109(2), 517-534. <http://dx.doi.org/10.1016/j.jfineco.2013.03.006>
15. Måler, K. G., & Maler, F. D. K. G. (2013). *Environmental economics: A theoretical inquiry*. Routledge.
16. Migranyan, A. A. (2007). Problems and prospects of development of competitive clusters in the Kyrgyz republic. *Problems of the modern economy*, 1(21).
17. Mirolyubov, T. V. (2010). Conceptual approaches to development of foreign economic activity of the region. *Vestnik Permskogo Universiteta. Economy*, 3, 36-48.
18. <http://naukarus.com/razvitie-klasterov-v-agramoy-sfere-regiona-i-otsenka-ih-effektivnosti>
19. Neustroyeva, N. A. (2013). Theoretical approaches and principles of formation of cluster structures. *Russian business*, 10(232), 114-125.
20. Проняева Л. И., Федотенкова О. А., Павлова А. В. Кластерные инициативы как инструмент развития конкурентоспособной экономики Вестник ВГУ. Серия: экономика и управление. 2018. № 1. С.43-51.
21. Porter, M. (1990) *The Competitive Advantage of Nations*. Free Press, New York.
22. Porter, M. (1998) Clusters and the New Economics of Competition. *Harvard Business Review*, November-December, pp.77-90
23. Porter, M. (2005). *Competition: Translation from English*. Moscow: Williams publishing house.
24. Рисин И. Е. Методический подход к оценке условий кластеризации социально-экономического пространства региона / И. Е. Рисин, Ю. И. Трещевский //
25. Регион : системы, экономика, управление. – 2015. –
26. № 1 (28). – С. 79–82.
27. Rosenfeld, (1995) *Bringing Business Clusters into the Mainstream of Economic Development*. *European Planning Studies*, Vol.5, pp.3-23.
28. Rouvinen, P. and Ylä-Anttila, P. (1999) *Finnish Cluster Studies and New Industrial Policy Making*, in in Roelandt, T. and den Hertog, P (eds), *Boosting Innovation: The Cluster Approach*. OECD, Paris.

29. Saidova D.N., Dehkanova Sh.S. (2019) Improving the competitiveness of the agricultural sector as a factor of food security in the region. South Asian Journal of Marketing & Management. Volume-9, Issue-8 (August). P.47-54. www.indianjournals.com. ISSN : 2249-877X. DOI:10.5958/2249-877X.2019.00034.1
30. Schumpeter, J. A. (1934). The Theory of Economic Development. New York: Oxford University.
31. Swann, P. (1998) Clusters in the US Computing Industry. in Swann, P., Prevezer, M. and Stout, D. (eds) The Dynamics of Industrial Clustering: International Comparisons in Computing and Biotechnology, Oxford University Press, Oxford.
32. Tsikhan, T. V. (2003). Cluster theory of economic development. Theory and practice of management (p. 65).
33. Von Thünen, J. H. (1966). Isolated state: An English edition of Der isolierte Staat. Pergamon.
34. Walras, L. (2013). Elements of pure economics. Routledge.
35. Варганова М.Л. Кластерный подход в обеспечении повышения конкурентоспособности продовольственного рынка региона на основе внутритерриториального взаимодействия. Экономические отношения. 2017. 7. (4). С.– 321-342. doi: 10.18334/eo.7.4.3819
36. Weber, A. (1909). Über den Standort der Industrien. JCB Mohr.
37. Winters, S., Kool, R. B., Klazinga, N. S., & Huijsman, R. (2014). The influence of corporate structure and quality improvement activities on outcome improvement in residential care homes. International Journal for Quality in Health Care, 57. <http://dx.doi.org/10.1093/intqhc/mzu057>
38. <http://agro.uz>

**Саидов М.Х., Абдувасиков А.А., Мамадияров Д.У., Саидова Д.Н.**

#### **Теоретико-методологические основы внедрения агрокластеров в экономику**

В этой статье исследуются теоретические вопросы создания кластеров, их задачи и возможности, влияние кластеров на региональную конкурентоспособность. Изучен зарубежный опыт создания и развития агрокластеров. Указаны направления развития агрокластеров в Узбекистане.

**Ключевые слова:** кластер, кластерная система, эффект от кластера, кластерные образования, конкурентоспособность, агрокластеры, интеграция, кластерный метод.

**Saidov M.H., Abduvasikov A.A., Mamadiyarov D.U., Saidova D. N.**

#### **Theoretical and methodological basis of introduction of agroclusters to the economy**

This article explores the theoretical issues of creating clusters, their tasks and capabilities, the impact of clusters on regional competitiveness. Studied the foreign experience in the creation and development of agricultural clusters. The directions of the development of agricultural clusters in Uzbekistan are indicated.

**Keywords:** cluster, cluster formation, cluster system, cluster effects, advantages, organization of clusters, the competitiveness, agro-industrial clusters, integration, clusters method.

УДК: 333

**МУРАТОВА М., ХАЛМУХАМЕДОВА З.**

### **ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОГО ПРОИЗВОДСТВА НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ**

В статье анализируются проблемы разработки и внедрения инноваций, модернизации, технического и технологического перевооружения сельскохозяйственного производства остается на сегодняшний день одним из основных направлений экономического развития страны. По отношению к производству это означает создание новых орудий труда, новых видов материалов и сырья, модернизацию оборудования, переход к более прогрессивной.

**Ключевые слова:** повышение эффективности производства, интеграция научно-технической сферы отрасли, проблемы агропромышленного комплекса, повышения уровня оснащения сельского хозяйства, внедрения инноваций, модернизации, инновационная деятельность, инновационные проекты.

#### **ВВЕДЕНИЕ**

Современный этап функционирования аграрного сектора экономики в большинстве развитых стран мира характеризуется переходом к инновационной модели

развития, суть которой заключается в системной интеграции научно-технической сферы отрасли, с одной стороны, и собственно сельского хозяйства, с другой.

Цель такой интеграции - повышение эффектив-